

Ҳақсөвар, она юрт, мангу бўл обед!



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

TOSHKEENT NAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 10 сентябрь, чоршанба • №74 (11.565) • Эркин нархда сотилади

БУХОРО БИЛАН ТАНИШУВ

БУХОРО. 9 сентябрь. Давлат ташрифи билан мамлакатимиизда меҳмон бўлиб турган Малайзия Қироли Янг Ди-Пертуан Агонг XII Туанку Сайед Сиражуддин Сайед Путра Жамалуллай Зоти Олийлари Бухорони зиёрат қилди.

Малайзия Қиролининг қадим ва навқирон Бухоро шаҳри билан танишуви Пойи Калон мажмудидан бошланди.

Меҳмонга мажмуа тарихи ҳақида сўзлаб берилди. Масjid VIII асрда бунёд этилган. Шўролар даврида ундан омбор сифатида фойдаланилган. Истиқлол йилларида қадриятларимизга кенг йўл очилгач, Бухоронинг 2500 йиллик юбилейи арафасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ташаббуси билан мажмууда кенг кўламдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. У Марказий Осиёдаги энг катта масжидлардан биридир.

Олий мартабали меҳмон Пойи Калон мажмугига ки-рувчи Мир Араб мадрасасини зиёрат қилди. Айни кунларда мадрасада юздан

зиёд талаба диний ва дунёвий фанлардан таълим олмоқда.

Малайзия Қироли мазкур обидалар билан танишув чоғида Ўзбекистонда миллий, маданий ва маънавий қадриятларни тиклаш, аср-авайлаш борасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, ёшларнинг диний ва дунёвий илмларни пухта эгаллаши учун барча шарорит яратилганига гувоҳ бўлганини таъкидлади. Талабаларга ўқишларида муваффакият тилади.

Малайзия қироли Тоқи Заргарон, Абдулазизхон ва Улуғбек мадрасалари, Арқ қалъасини, бухоролик хунармандлар ясаган буюмлар кўргазмасини томоша қилиди.

Илҳом САФАР,
ЎЗА мухбери.

Аёл, Оила, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ойлик саҳифаси №3
(3-, 4-, 5-, 6-бетлар).

ВИЛОЯТ ҳаёти

КАТТА ҲАЁТ БЎСАҒАСИДА

Оқкурғон тумани «Иқбол» маҳалласида жойлашган 8-мактабда юқори синф ўқувчилари ҳамда вактингча хеч қаерда ишламайдиган ва ўқимайдиган қизлар иштирокида давра сұхбати бўлиб ўтди.

Ушбу давра сұхбатида қизларни турмушга тайёрлаш, кийинни маданияти ҳамда гиёхвандлик, фоҳишабозлик иллатларига йўликиб қолмаслик нинг чора тадбирлари хусусида очик мулоқот бўлди.

Хуршида МУМИНОВА.

ЖАМФАРМА ТАШАББУСИ БИЛАН

«Обод маҳалла йили» муносабати билан жойлашган тадбирлар, кўрик-тандловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, Юқоричирчикда ҳам «Маҳалла» жамғармасининг туман бўлими томонидан мавжуд маҳаллалар иштирокида шундай тандловлар уюштирилди. Бу ерда «Энг саронжом-сарышта хонадон», «Энг обод маҳалла» ва «Энг намунали обод мактаб» кўрик-тандловларининг якуний босқичи бўлиб ўтди.

«Энг саронжом-сарышта хонадон» йўналиши бўйича

ўтказилган тандловда Оқовул қишлоқ фуқаролар йигинига қарашли «Наврўз» маҳалласида истиқомат қиливчи Нодировлар хона-дони ғолиб деб топилди. «Энг обод маҳалла» номига эса, Суронкент қишлоқ фуқаролар йигини таркибида Кизилсой маҳалласи сазовор бўлди.

Камолиддин АСҚАРОВ.

СОВФАГА ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАСИ

Чирчилик бир гурӯҳ саҳоватпеша тадбиркорлар яқинда яна бир ҳайрли тадбирга кўл урдилар.

Уларнинг ёрдами билан шаҳар соғлиқни саклаш бўлими ихтиёридаги тез ёрдам автомашиналари сони биттага кўпайди. Уни харид қилиш учун шаҳар ҳокимлиги бир миллион, соғлиқни саклаш бўлмининг ўзи 500 минг сўм ажратди. Автомашина кийматининг асосий қисмини эса шаҳардаги қатор ишбилиармонлар тўлаши.

Ўз мухбirimiz.

ВИЛОЯТ ҳаёти

рур бўлган энг муҳим агротехник тадбирлар ҳакида гапириб берди. У фўзаларнинг бугунги ҳолати ўтган йилдагига нисбатан яхши эканлигини таъкидлади. Чунончи, ўтган йил шу даврда вилояят бўйича кўчнатнинг ўртача қалинлиги 87 минг туп эди. Бу йил эса, 105 минг тупдан кам эмас. Ҳар тупда ўртача 9 тадан бўлик кўсак бор. Мутахассисларнинг айтишларига караганда, уларнинг ҳар бирни қариб 2,5 граммдан ҳосил тўкади.

Таъкидлаш жоизки, бундай сана маҳриз экишдан бошлаб, то ҳозирги кунгача барча агротехник тадбирлар вақтида ва сифатли амалга оширилганлигининг натижасидир. Фўза тўрт мартадан ортик супорилди. Етти мартадан кўпроқ ишлов берилди. Икки марта озиқлантирилди. 4 августача меъёрдаги ўйт берил бўлинди.

Бирор ҳосил чўғи ўтган мавсумдагига нисбатан дуруст эканлиги хотиржамлика берилиш учун асос бўлолмайди. Чунки, пахта ўтган йиллардагига нисбатан 15-18 кун кечки. Тўғри, бўнинг учун дехконларни айблаш ноўрин. Гап гўза учун зарур бўлган керак ҳароратнинг етишмалтганида. Шу боис ҳозирги иссик кунларни ғанимат билиб, супориш,

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бекободда Кора ва ранги мемаллар парчалари ҳамда чикндинларини тайёрлаш, кайта ишлашга топширишни назорат килиш ва мувофиқлаштириш бўйича республика комиссияси нинг навбатдаги йигилиши бўлиб ўтди. "Ўзметкомбинат" бирлашмасини иккимачи хомаше билан таъминлашнинг авгуист ойи якунларига багишланган мазкур йигилишида тегишили вазирлик, идора, уюшма, худудий бошкарув органлари, иккимачи металл хомашёси йигиши ва топшириш билан шугулланувчи бошка ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

РЕСПУБЛИКА КОМИССИЯСИ ЙИГИЛИШИ

Йигилишини Ўзбекистон Президентининг Давлат маслаҳатчилиси, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарди. "Ўзметкомбинат" республика ҳукуматининг амалий ёрдами ва мижозлар билан яхин ҳамкорлик туфайли бир маромда ишламоқда. Август ойида 40,8 минг тонна пўлат эритилди. Истеъмолчиларга 36,1 минг тонна тайёр металл прокати етказиб берилди. Экспорт хажми ҳам сезиларли даражада ошди.

Корхонани хомашё билан таъминлашни янада яхшилаш ва хомашё етказиб берувчиларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасида амалий чоралар кўрилмоқда. Хусусан, сентябрь ойида хомашё харид нархлари янада ўн фойзга оширилди. Бирор, шунгун қарамай, Бекобод металлурглари август ойида уч минг тонна кам хомашё қабул қилиб олди. Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарқанд вилоятларида иккимачи металл хомашёси тўплаш ва қайта ишлашга топшириш, айниқса, асосизз равишда сусайтириб юборилди.

Комиссия йигилишида корхонани хомашё билан тўла ва узлуксиз таъминлашнинг имкониятлари етарли, факат ундан оқилона фойдаланиш, масъулиятни янада кучайтириш лозим, деб таъкидланди. Хато ва камчиликларни зудлик билан бартараф этиш, август ойида етказиб берилмаган металл парчалари ва чиқиндиларини сентябрь ойида коплаш, бу борадаги ҳукумат топширигини сўзсиз бажариш юзасидан зарур тавсиялар берилди.

Йигилишида Тошкент вилояти ҳокими У.Мирзакулов иштирок этди.

**Невмат ДУШАЕВ,
ЎЗА мухбери.**

ПАХТАЗОРЛАРДА МЎЛ ҲОСИЛ ТЎПЛАНМОҚДА

Эндиғи вазифа уни сақлаб қолиш ва йигим-теримга ҳар томоилама пухта тайёргарлик кўришdir

культивация килишни давом эттириш зарур. Бундан кутиладиган мақсад пайкаллардан намни кочирмаслик, фўзага илохи борича ҳаво бериш ва пировард натижада ҳосилни тарози босадиган кўлишидир.

Ушбу муҳим тадбирлар билан бир қаторда ҳосил кушандаси бўлган ҳашаротларга карши курашни давом эттириш, майдонларни печак, шўра ва гумай каби ёввойи ўтлардан охиригача тозалаш лозим. Айниқса, дефолиация яхши тарози босадиган кўришиш энг мақбул муддат хисобланади. Шунингдек, бу йил 40 фоиз ҳосилни машиналарда теришин режалаштириш зарур. Мутахассисларнинг маслаҳатига кўра дефолиацияни намли 60-65 фоиздан кам бўлмаган, кўсакларнинг 40-45 фоизи очилган пайтда бошлаган маъқул. Гектарига 8 килограммдан дефолиант сарфлаш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланди. Шунда дефолиациядан сўнг

таси мавсумга тайёрланган. Қолган агрегатларни ҳам тезроқ таъмирдан чиқариши лозим.

Шунингдек, йигилишда кузги фаллани қурай муддатларда ва сифатли экиб олиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама килиниб, йўлйўриклар белгилаб олинид. Биринчи галда фалла уруғи сепиладиган пахта майдонлари ҳозирдан оникланиб, назорат остига олиниши, зудлик билан енгил супорилиб, ер етилиши билан культивация килиниши ва ургу сепилиши зарур. Бундан ташқари, фалла экиладиган бошқа майдонларни ҳам тезроқ сифатли шудгорлаб, экиштириш тайёрлаш тавсия этилди.

Йигим-теримни бошлаш муддатини тўғри белгилаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги йигилишида алоҳида таъкидланди. 75-80 фоиз кўсак очилганда теримга киришиш энг мақбул муддат хисобланади. Шунингдек, бу йил 40 фоиз ҳосилни машиналарда теришин режалаштириш зарур. Шунда иккимада ёш шартнома режасини бажариш мумкин бўлади. Ҳозиргача мавжуд 234 та терим машинасидан 201 таси, шу жумладан 205 та «Кейс»дан 196

таси мавсумга тайёрланган. Қолган агрегатларни ҳам тезроқ таъмирдан чиқариши лозим.

Шунингдек, йигилишда кузги фаллани қурай муддатларда ва сифатли экиб олиш масалалари ҳам атрофлича муҳокама килиниб, йўлйўриклар белгилаб олинид. Биринчи галда фалла уруғи сепиладиган пахта майдонлари ҳозирдан оникланиб, назорат остига олиниши, зудлик билан енгил супорилиб, ер етилиши билан культивация килиниши ва ургу сепилиши зарур. Бундан ташқари, фалла экиладиган бошқа майдонларни ҳам тезроқ сифатли шудгорлаб, экиштириш тайёрлаш тавсия этилди.

Йигилишда вилоят ҳокими Уммат Мирзакулов иштирок этди. **Абдулсамад ЙУЛДОШЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбiri.**

Янгийўл шаҳри маҳалларидаги фаолият кўрсатадиган хотин-қизлар кўмиталари 2003 йил – Обод маҳалла илида ҳалқимизнинг азалий анъаналари, урф-одатлари, меҳр-шафқат, муруват кўрсатиш каби олижсаноб фазилатларни тарғиб этиши борасида самарали ишлар олиб боришмоқда.

ФАОЛЛАР ФИКРЛАШИБ ОЛДИЛАР

«Энг обод маҳалла», «Ибратли оила», «Кўркам кўча», «Покиза ва саранжом уй бекаси» кўрик-танловлари ўтказилиб, голиблар муносиб тақдирланмоқда.

Куни кеча «Мустақиллик» маҳалласида бўлиб ўтган тадбир «Мустақиллик»нинг фаол аёллари» деб номланди. Шу куни маҳалла аёллари бир пиёла чой баҳона дилдан сұхбатлашиб, келгусидаги режалар хусусида фикрлашиб олдилар. **Ўз мухбirimiz.**

МАКТАБДА ҮҚИШ, БОҒДА ХОРДИК

Мустақилликимизнинг ўн иккиси йилиги ҳамда янги ўқув йилининг бошланиши арафасида Тошкент туманидаги «Ўзбекистон» ширкати хўжалиги томонидан Fafur Furom nomli 33-мактабда ўқувчилик учун кўшимча олтита синф хонаси, футбол, баскетбол майдончалари қуриб битказилди.

Шунингдек, Навоий номли ширкат хўжалигида ҳам болалар учун бироғ ва аквалар очилди. У ерда кичик сунъий ҳайванот бори ҳам ташкил этилган.

Гузал СОЛИЖНОВА.

ҚИШЛОҚДА ФИШТ ЗАВОДИ

Наврӯз Юкоричирчик туманинадаги обод қишлоқлардан бирини хисобланади. Унинг меҳнатсевар ахолиси дехкончилик, боғдорчилик ва чорвачилик билан шугулланади. Олаётган даромадлари кўпайгани сари бу қишлоқнинг қиёфаси ҳам ўзгариб бормоқда. Замонавий ва миллий мөъморчилик услубида қурилаётган хўжалик бинолари, ўй-жойлар кўпаймокда. Пахса, гуваҳа деғорли, лой томли турар-жойлар ўринида гиштдан барпо этилганлави пайдо бўялти.



Бундай бинокорлик материали доим ҳам қурувчиликларнинг қўл остида бўлмаслиги бироз қийнади. Яқинда унга хотима берилди. Ҳусусий тадбиркор Бахтиёр Илёсовнинг сайды-харакатлари ва мутасадди идораларнинг унга берган кўмаги туфайли гишт заводи барпо этилди.

Корхонанинг ёш жамоаси ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотини буюртмачиларга етказиб бера бошлади. Улар асосан ҳамқишлоқлардир. Ҳар куни корхона дарвозасидан пишиқ гишт ортилган автоуловлар катта-кичик куришишлар томон ийл олмоқда. Жамоа бундай иморатбот куришиш ашёсини тайёрлашни кўпайтиришга интилиб, хўмдан қувватини оширяпти. Мақсад ҳар ойда камида бир миллион дона пишиқ гишт ишлаб чиқариш маррасини эгалаш. Ҳозир корхона жамоаси сафида ўттиз нафар ишчи-хизматчи бор. Яқинда сонини яна 60 тага етказишини ният қилганимиз. Демак, ҳамқишлоқларимизнинг шунча оиласи ўзининг яна бир доимий даромад манбаига эга бўлади.

Шу кунларда корхонада ишчи-хизматчилар олаётган иш ҳақи ойига ўртача ўттиз минг сўмни ташкил этиб турибди. Бу миқдор маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ошган сари ортиб бораевради. Жамоа ўзининг ilk қадамларидан хайрли тадбирларда ҳам фаол қатнашти.

СУРАТДА: корхона раҳбари Бахтиёр Илёсов оператор Аян Соимкулов билан маҳсулот сифатини куздан кечирмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ИСТЕМОЛЧИЛАРГА ЁРДАМ

Ха, истеъмолчи бугун ўзи масаласи билан ўзи шугуланишини истамайди. Шу йўл орқали у муаммонинг оғирлигини ўзгальар елкасига юкламоқчи бўлади. Агар истеъмолчи ўз ҳуқуқини химоя қила олганида эди, у дўконда, дорихонада, бозорларда осонгина алданмаган, тарозидан уримаган ва унга қўполик қилинмаган бўларди ёхуд чекни олишни сотувчи, хизмат кўрсатувчининг ўзи таклиф қиласи эди.

Очиғи, бу унча қийин бўлмаган алифбо Тошкент вилояти Истеъмолчилар хуқуқини химоя қилиш жамиятлари худудий бирлашмаси, ушбу бирлашманинг Бекобод

шахар ва туманидаги жамиятлари ҳамкорлигига ташкил этилган ўқув-семинарида истеъмолчиларни билим, ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан қуроллантириди, десак хато

қилмаган бўлмасиз. Семинар ишида сўзга чиқсан маърузачилар истеъмолчиларнинг хуқуқларини химоя қилишга доир қонун, меъёрий ҳужжатлар ва ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар. Шу билан бирга сўровномада шахар ва туман савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг иш фаолиятини яхшилаш борасида қатор фикр ва мулоҳазалари билдирилаётган норозиликлар ҳам акс эттирилган. Айниқса, соғлиқни сақлан, телефон хизматлари, газ ва сув таъминоти бўйича камчиликлар кўп.

Хуршида НАЗАРОВА.

Аёл, Оила, Жамият



Тошкент вилояти хотин-қизлар қўмитасининг ойлик саҳифаси №3

ИБН СИНО ВОРИСЛАРИ

Бундан эллик йил мукаддам Янгийўл шаҳар касалхонаси кошида оддийгина фельдшерлик мактаби очилган эди. Бир йилдан сўнг мактаб фельдшер ва доялар тайёрловчи билим юртига айлантирилди. Мамлакатимиз мустакиллигининг иккинчи ийлида эса мазкур билим юртига тиббиёт коллежи мақоми берилди.

— Биз акушерлик иши, ҳамширалик иши, ортопедик стоматология йўналишлари бўйича мутахассислар тайёrlamiz, — дейди коллеж раҳбари Ҳусниддин Раҳмонов. — Коллежимизда назарий ва амалий машғулотлар олиб бориш учун етти лаборатория, 32 ўкув хонаси мавжуд. Компьютер синфларимиз, биология, физика, кимё фан кабинетлари замонавий ўкув анжомлари билан жиҳозланган. Бир сўз билан айтганда, коллежимиз буғунги замон талабларига тўла жавоб беради.

Мазкур ўкув даргоҳида қатор маданий-маърифий тадбирлар, кўрик-танловлар ўтказиб келинмоқда. «Озод ва эркин Ватан — менинг тақдиримда» мавзусида адабий-бадиий кечалар, «Ҳамширлар куни»га бағишинланган «Мен бўлажак ҳамшираман», «Сиз қонунни биласизми?», «Энг яхши китобхон» кўрик-танловлари шулар жумласидандир. Ўкувчи ёшларни коллежга жалб килиш, тиббиёт



касбига қизиқтириш мақсадида «Очиқ эшиклар куни» ташкил этилган.

Ёшларда умуминсоний фазилатларни шакллантиришга, улар онгига миллий урф-одатларимиз ва қадриятларимизни сингдиришда «Замона ёшлари» кўрик танлови ва «Заковат» клубларининг фаолияти сезиларли таъсир кўрсатмоқда.

Л. СУВОНОВ,

СУРАТЛАРДА: коллеж ҳаётидан лавҳа; коллеж талабаси Муштарий Ибодова.

Сарвар ЎРМОНОВ
(ЎЗА) олган суратлар.



Аёл — аввало, она, мунис калб эгаси. Унинг ўз оиласи, фарзандига, юртига бўлган мухаббати юз-кўзларида қалқиб туради. Аслида аёлни мухаббат тимсоли, оила кўзгуси, авлодлар занжира ҳам дейишади. Ҳақиқатан ҳам шундай.

Баъзида шундай ҳоллар ҳам юз берадики, аёллик ифрати, ор-номус уни тарк этади. Бу билан у қабих ўйларни ўзига манзур билиб, хатоларга йўл кўяди. Билиб-бilmай жиноят кўчасига кириб қолиши, ўзномусини булғаши мумкин. Энг ачинарлиси, гиёҳвандликка берилиб, бу кўчада не кўргилиларга дучор бўлиб кетишидир.

Тошкентдаги аёлларнинг жазони ўташ муассасасида ана шундай билиб-бilmай, тушуб-ниб-тушунмай, хато қадам босган аёллар қилмишларига яра-

ҚАЛТИС ҚАДАМ СИЗГА ЯРАШМАЙДИ

ша жазоларини ўтайдилар. Уларнинг қай бири ўғрилик, қай бири гиёҳванд моддалар савдоси, баъзилари қотилликка кўл уриб, эркинликдан маҳрум бўлганлар.

Тошкент вилояти ҳокимлиги, вилоят хотин-қизлар қўмитаси яқинда ушбу муассасада улар билан учрашув ташкил этди.

Тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова, вилоят ёзувчilar уюшмаси раиси, шоир Махмуд Тоир иштирок этдилар. Улар бу маъюз чехралар мъсумалар билан юракдан сухбатлашдilar.

Биз бугун сизнинг қилган хатоингизни мухокама қилгани, ёхуд сизнинг ярангизни янги-

лагани келганимиз йўқ, дейишди улар. Аксинча, мақсадимиз янгиланаётган жамиятда сизнинг ҳам ўрнингиз борлигини эслатишdir. Сиз, аввало, ойлангиз, бола-чақангиз учун қадрлисиз. Бундан бўён эсономон, шоду-хуррам умр кечириш ҳаммангизга насиб этсин. Ҳеч қачон қалтис қадам қайta тақорланмасин.

Тадбир давомида маҳкума аёлларнинг айримлари билан сухбатлашдик.

— Қотилликка кўл урдим, — деди хоразмлик Наргиза Жуманиёзова. — Ота-онамнинг назоратидан четда қолиб, нима қилсан қилдим. Охири гиёҳвандликка ружу кўйдим. Уйдан кетиб қолиб, ўзга хона-

донларда ижарага яшадим. Бир куни ўз эгасидан гиёҳванд мoddаси учун пул сўрадим. У киши пул бермай, менга бу йўлдан кайтишим кераклигини, ота-онамнинг юзини ерга қаратмай, одоб-ахлоқли, инсоф-тавғиқи қиз бўлишим кераклиги ҳакида насиҳат қилди. Бу пайтда менинг қулогимга гап кирмас эди. Чунки, хумор тутаётган эди. Ўзим хоҳламаган ҳолда унинг қотилига айландим.

— Хурсаной Ҳайдароваман, — деда ўзини таништириди фарғоналик бир аёл. — Ёшим элликка чикқандা бу ерда ўтираман деб ўйламагандим. Ўзига тўқ хонадонга ўғриликка кириб, шу холатга тушдим.

Дил изҳори

ХУРСАНД БЎЛДИК

Мен кўп сонли Чиноз тумани хотин-қизлари номидан, айни бир пайтда бир журналист сифатида, қалб ҳаяжонимни ифода этмоқчиман. Зоро, бу туйғу вилоят кўзгуси саналмиш «Тошкент ҳақиқати» газетасининг 2003 йил 3 июль сони кўлимга теккан дакикаларга пайвастадир.

Унда вилоят хотин-қизлар қўмитасининг «Аёл, Оила, Жамият» саҳифасининг илк нусхаси илова этилгани хотин-қизларимиз учун кутилмаган түхфа бўлди. Тўғри, илгари қўмитанинг «Аёл олами» нашри бўлиб, кейинги пайтда маълум сабабларга кўра тўхтаб қолганди. Айтиш мумкинки, мазкур ойлик саҳифа унга нисбатан мукаммаллиги, кенг қамровлиги билан, айни пайтда газета нафақат хотин-қизларга, балки, вилоятимиз аҳли аёл-у эркаги, ёшлари қўлига бориб тегиши билан ҳам ажralиб туради.

Газетанинг жамият ва ҳаётдаги ўрни ҳақидаги маълум фикрларни тақорорлашга ҳожат йўқ. Ҳеч қандай ҳужжат тарихни газетачалик ёритиб беролмайди. Газетанинг ҳар бир сони — ҳаётимизнинг бир кунги сурати, бир кунги овози, бир кунги юрак уриши. Унда энг кичик ҳодисалардан тортиб катта воқеаларгача муҳрланиб қолади.

Ойлик саҳифанинг илк нус-

хасини олган хотин-қизларимиз — паҳтакор Ҳабиба Жўраева, ўқитувчи Дибором Маҳкамова, шифокор Машхура Одилхонова, маҳалла фуқаролар йигини раисаси Танзила Оллоберганова, уй бекаси Маҳбуба Султонова, хотин-қизлар қўмитаси раиси Тургуной Бойматовалар ўзларининг муносабатларини билдирилди. Ўйлаймизки, мазкур нашр бизнинг севимли саҳифамиз бўлиб қолади. Вилоят хотин-қизларининг фуқаролик жамияти қурилишида фаол иштироки, иқтидори, қобилият ва салоҳиятлари, миллий қадриятларимиз, урф-одатларимизни бойитишдаги иштироқи, оналиқ ва болалик баҳти, аёлларимизнинг қувончу ташвишларини ифода этади. Биз бу нашр хотин-қизлар ҳаётига кириб келишидан беҳад хурсандмиз.

Ҳабиба ШЕРОВА,
Чиноз тумани ҳокимининг ўринбосари, туман хотин-қизлар қўмитаси раиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист.

4-саҳифа:

Офарин, Ҳакима опа!

•••

Оқил ота почтасидан

5-саҳифа:

Хонадон тинчлиги нималарга боғлиқ?

6-саҳифа:

Миср бекалари

Адашган бу аёлларнинг кўпи ўз қилмишларидан пушаймон. Уларнинг аксарияти муассаса маъмурияти ташкил этган мактабда билим олиб, хунар ўрганмоқда.

Кечада вилоят маданият ишлари бошқармаси қошидаги «Шош наволари» гурухининг кўй-кўшиқлари янгради.

Аёллар тадбир давомида ҳаётнинг нақадар гўзаллиги, эркинлик қанчалик тотлилигини, фақат унинг қадрига вақтида етиш кераклигини янада тेरанроқ ҳис этган бўлсалар, ажабмас.

Равшан ЁҚУБЖОНОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбари.

Улар ҳақида кам ёзилади

Кучадарвозасини астагина тақиғатиб, хонадон эгасини қақырап эканмиз, ичкаридан аёл кишининг «Кираверинг. мен ҳозир», — деган жавоби бизни бироз ҳотиржам қилди. Шеригим Турсунбой билан бирин-кетин ичкарига қадам кўйдик.

Ховлида каттагина саватни бўрсилдоқ нонга тўлатиб келаётган Ҳакима опа кўринди. Кутимаган меҳмон ташрифи бироз шошириб кўйдими, қўлидаги саватни айвон четига кўйиб, кифтини енгилгина қоқсан бўлиб, сўраша кетди.

Айвон тўридаги хонтахта атрофига кўрпача солиб, дастурхон устини қайтадан тузашга тушди.

— Айбга буюрмайсиз, даладан келиб, пешинга қолмай нон ёниб олай, деб уннаб ётгандим. Бир ёқда усталар ишлашяпти, болалар ўқишида, хўжайиним далада. Ҳамма иш ўзимга қолди.

Мезбонимиз Ҳакима Топилова тўрт азamat йигитнинг онаси, Сайд қишлоғи аёлларининг шуҳрат қозонган сиймоси.

Ҳакима опа механизатор оиласида туғилиб, вояга етди. Унинг шўхшодон болалик даври шу қишлоқда ўтди. Қанчадан-канча унугтилмас кечимиши қалбига муҳрланган, ёрқин хотира га айланган. Айни дамда мана шу хотираларни завқу-шавқ билан эслаб тилга олади.

Ҳакима Мурод ака ҳамда Ҳолниса ая хона-донидаги етти фарзанднинг тўртингиси эди. Ака-сингиллар бирин-кетин ота-оналарига кўмакдош бўлишиди. Ҳакима катта акаси армияга кетгач, унинг юмушини ўзи уддалай бошлади. Қишлоқдаги тенг-дошлари билан бирга сигир-бу-зокларни ўтлатгани олиб борарди. Велосипед, мотоцикл бошқаришни билгани учунни ўзида техникага қизиқиш кучаяётганини сезарди. Шаҳар кезлари Умиркул ака деган тракторчи хўжаликда ишларди. Ора-чора Умиркул ака касбига меҳр кўйиб, тракторига чиқиб оларди. Бирга пахталар орасига ишлов беришарди. Ҳакимада ажаб бир шижаот борлигини сезган Умиркул ака унга устозлик қила бошлади.

Саккизинчи синфи битириб, мақсадини ота-онасига айтди. Шунда онаси: «Қизим, тракторчилик касби аёллар учун оғир касб, тикувчи бўла колгинг», — деганида ҳам ўз ниятидан қайтади. Пскент туман 15-хунар-техника билим юрти Сайд қишлоғи бўлнимининг бир ойлик тракторчилик курсида ўқиб чиқди. Устози Умиркул аканинг шериги бетоблиги боис далага яна бир ҳайдовчи керак эди.

Ҳакима ҳақиқий ҳаётини, ўз севган касбини топа олди. Сафдошлари қатори у заман пахта теримида қатнашди. 1977 йил эди чамаси. Ҳар беш кунлик меҳнат тақдирланарди. У ҳам ўз кучи, иродасини намойиш этиб, ҳар беш кунликда 50 тонна пахта териб, мукофот билан сийланди.

— Раҳматли қайнатам Малик ота бригадир бўлиб ишларди, — деб эслайди Ҳакима опа. — Эпчил, шаддод феълим маъқул келганими, 1982 йили ўғли Абдуғани ақага мени унаштириб, ўша йили тўй қилиб бердилар. Янги турмуш юмушлари билан биргаликда ишимини ҳам эплаб кетдим. Бирин-кетин фарзанди бўлдик. Тўнгич ўғлим Фаҳридин, иккинчиси Азимжон, Аъзамжон, кенжам Эркинжонлар туғилишди. Болалар

тарбияси билан бўлиб ишга ҳам чиқмай кўйдим. Кейинчалик беш гектар пахтазорга эга бўлдим. Бир куни хўжалигимиз раҳбари Оллоёр Абдураҳмонов даладаги ишларни кўздан кечириб юрган экан. Мен билан ҳам учрашиб, гўзининг ахволини сўраб қолдилар. Шунда мен: «Ғўза яхши авж олмаяти, тез-тез қатор орасини юмшатиш керак», — дедим. Раис бува зимдан менга разм солиб турди-да: «Сен қаердан биласан?» деб қолди. «Ёшлигимда механизатор бўлганман, пахта парваришини яхши тушунаман», — дедим. «Шу тракторни хайдайсанми?», — деган саволига: «Йўқ, йигитчанинг нонини тарафга қилмайман. Янги трактор олиб берсангиз, албатта, хайдардим», — деб ниятини яшириб ўтирадидим. «Кўрамиз, бўлмаса трактор олиб бераман, қани файратингни бир кўрайлини», — деб ишонқирамай, маҳалла оқсоқоллари билан маслаҳатлашибди. Улар таърифимни роса келтиришганни, штабга қақиририб қолди. Яна бир маротаба қатъий ишонч ҳосил қилиш учун, қониқарлар жавоб олгач, орадан кўп ўтмай хўжалик, вакили билан бирга мени Тошкент трактор заводига юбориши. Тракторларни кўздан кечириб, «ТТЗ — 80» тракторини танладим.

Ҳакима опанинг ҳикоясини тинглаб ўтирганини дугонаси Сожида опа келиб қолди. Опа ҳам гапга чечан экан.

— Шу қишлоқда қариндошимиз бор эди, — ҳикоя қилади Сожида опа. — Ёз бўйи уларни кида яшардим. Бу ерда дугоналарим кўп эди. Кейинчалик тақдирим шу азиз жойларга уланган экан. Файзли бир хонадонга келин бўлиб тушдим. Ҳакима билан кадрдорнамиз.

Қишлоқда тўй-маъраками, дугоналар йиғилиши борми, Ҳакимасиз ўтмасди. Қизик-қизиқ ҳангомалар айтиб, роса яйратарди. Бунга қизиқиб, бир-икки қиз тракторчилик қилмоқчи ҳам бўлди, эплаша олмади.

— Дугоналарим кўча-кўйда янги «мода» кийимлар хусусида гапиришса, мен негадир машиналарга қизиқдим, — деб гапида давом этди Ҳакима опа. — Бир куни ҳўжалик омборида меҳнаткашларга ғалла тақсимланаётган эди. Хўжалигимиз режани ортиғи билан якунлагани боис раисимизга «Matiz» енгил автомашинаси совға қилишди. Шу денг тап тортмай раисимизга: «Ака, шу машинагизни оёғини би-ир кўрай», — дебман. Бир оз иккиланиб турди-да, ноилож қалитни берди. Буғдо ўримида хатто «Кейс» ҳам ҳайдаб кўрдим, бу нима бўлти... Аммо бир орзуим бор. Фақат ушалиши қийирко-да. Агар имкони бўлса самолёт ҳайдаб кўрсам, армонда қолмасдим.

Үй юмушларимни тунда бажараман, ош-овқатни катта ўғлим тайёрлади. Феъл авторим ўғил болача бўлгани учунни, фарзандларимнинг бари ўғил. Ҳаётимдан нолимайман.

Ўз тақдирни, умрни техникага бахш этган Ҳакима опанинг меҳнатлари зое кетмади. Мустақиллигимизнинг 12 йиллиги байрами муносабати билан Президентимиз томонидан «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланди. Унинг севинчию қувончи чексиз.

Ҳасанбой САҶДУЛЛАЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг маҳсус мухбири.

Фарқ; иккичи маъноси — қоғоз пулларни танга пулларга ёки кучиз валютани кучли валютага айирбошланганлик учун ундириб олинадиган воситачилик ҳақи.

БРОКЕР (инглиз. broker) — ситачи, далол: моллар, қимматли қоғозлар, валюталар ва бошқа бойликлар бўйича товар биржаларида, суғурта ва фрахт бозорларida ҳаридор ва сотувчи ўртасида тузиладиган битимлар воситачилиси. Мижозларнинг топшириғига кўра ва уларнинг хисобидан ширинкома олган ҳолда иш олиб боради. Брокернинг турли тоифалари бўлади: биржа брокери, суғурта брокери, фрахт брокери.

жатлаштирилади. Авалъ учун кафолатчи билан кафиллик берадиган шахс бир хилда жавобгар бўлади.

АЖИО («лах») — биринчи маъноси валюталар курсидаги

Хотин-қизлар қўмиталарида

ДИҚКАТ МАРКАЗИДА — ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

«Обод маҳалла йили»да жамоат ташкилотларининг фалолияти янги-янги кирралари билан намоён бўлмокда. Улар аҳолининг маънавий-маърифий тарбияси, кишилар онгига миљий мағқурани сингдириш, мустакилликнинг мөхияти, маъно-мазмунини тарғиб қилиш, кам таъминланган аҳоли қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, вояга етмаган ёшлар билан шуғулланиш, жиноятчилик ва хуқукбузарликларининг олдини олишда тобора қизғин иш олиб бораётir.

Яқинда Паркент туман хотин-қизлар қўмитасининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди. Унинг иштирокчилари «Обод маҳалла йили» давлат дастурини бажариш борасида хотин-қизлар қўмиталарининг амалга ошираётган ишлари ҳамда унинг самарадорлигини янада ошириш вазифаларини муҳокама қилишди. Маърузачи — туман хотин-қизлар қўмитасининг раиси Гулчехра Ис-

моилова ва сўзга чиқсан нотиклар асосий эътиборни аҳоли ўртасида ўзаро меҳроқибат, хурмат-эҳтиромни тарбиялаш, маънавий-маърифий тарбияни ошириш, баркамол авлодни вояга етказиш, хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик ва бошқа салбий ҳолатларнинг олдини олиш масалаларига қартишиди.

Ю. ЖУМАНИЁЗОВ.

ОДАМ БОЛАСИ БЎЛИНГ

Хурматли Оқил ота.

Сизга қалбим ярасини очмокчиман. Бу дунёда етимлиқдан оғирроқ дард йўқ экан. Мехрибонлик уйида тарбияландим. На отам, на онамни биламан. Эрта-индин балогат ёшига етаман. Бошимни қаёққа уришни билмай қўлдим. Нима кил, дейсиз, отажон?.

Гулнора, Бўка.



Оқил отанинг жавоби:

Кизим, Гулнора, дунёда ҳар бир кишининг ўз ўрни бўлади. Гоҳи ўйламай-нетмай кўнгил кўчасига, тасодифий одамлар «маслаҳати»га кириш керак эмас. Ўқиши битирайпман, дебсиз. Ёзишингизча, компьютерни бошқариш иммини мукаммал эгаллабисиз. Албатта, баҳтили бўласиз. Қаерда ишламанг, атрофиниздагиларни кузатинг, яхшилара эргашинг. Бир мақолимизни ҳар доим ёдинизда тутинг: «Отанг боласи бўлма, одам боласи бўл». Шунда Сизга, албатта, баҳт кулиб боқади, иқболли, саодатли бўласиз.

САБРНИНГ ТАГИ — ОЛТИН

Қайнонам билан муносабатларимизда «ғишт қолидан кўчди». У киши қўни-қўшниларга мени ишёқмас, дангаса, деб таърифлагани-таърифлаган. Ҳеч бир ишимини ёқтиримайдилар. Ҳаммасидан айб топадилар. Нурилла акам бир-иккиси.

ёнимни олсалар, у кишини ҳам жеркиб ташлайдилар. Нима қилай? Қандай иш тутайки, қайнонамларга маъкул бўлсин?

Ҳакима УБАЕВА,
Зангиота тумани,
Эшонгузар шаҳарчаси.

Оқил отанинг жавоби:

Кизим Ҳакимаой, сезишмча ҳйла сабр-бардошликини эканзиз. Сизнинг баҳтизиг шунда. Айтмоқчиманки, сабрнинг таги — олтин. Юмушларингиз ҳозирча қайнонагизига ёқмаса, сиз у кишининг гап-сўзларини эътибор бериб тинглаб, мулоҳаза килиб боринг. Шунда қайнонагизига нима маъкулу, нималар номаъкуллигини пайқаб, англаб ола бошлайсиз. Ишларингизни маъкулига қараб бажараверинг, асло панд емайсиз. Қўни-қўшнилар эшилтилган гап-сўзларига эмас, сизнинг меҳнатнинг, олангиз учун қанчалик ҳаркат қилаётганингизга қараб, хулоса килиб олишади.

БИР ОҒИЗ СЎЗ

Оқил ота, бир йилки, дардим ичимда. Азиз, суюкли кишини беихтиёр ранжитиб кўйдим. У киши бўлса ҳеч нимани билмандек, муомалаларини ўзгартириб юрибдилар. Ҳар кўрганимда, минг ўртанаман. Узр

сўрай десам, ўша кунги қилган можаромни яна ёдларига тушириб, изтироб чекишиларига сабабчи бўлиб қоламанни, деб чўчиман...

Халима ҚУРБОНОВА,
Дўстобод шаҳри.

Оқил отанинг жавоби: Шу сабаб айтадилар-да, «Ўйнаб гапириш ҳам, ўйлаб гапир» деб. Гоҳида озгина райъ-андиша, мулоҳазани инутамиз. Қизишиб туриб, тилимиз учидаги сўзни ичимизга юта олмаймиз. Арзимаган нарса устида «сан-ман»га бориб қоламиз. Бир оғиз сўз киши кўнглини чўкириб юбориши, бир умр унтунилмаслиги мумкинлигини ўйламаймиз.

Лекин, кизим Ҳалимаой, сиз қўрқманг. Суюкли кишингиз сизнинг ўша можаронингизни атиргулнинг бир тикани сифатида қабул қилган кўринади. Гулдан баҳра олган кўнгил эса, тикани етказган озору оғрикни кўтарида, чидайди. Азиз кишингизни ардоқланг, бундан бўён минбайд қўнглига озор етказмасликка ҳаракат қилинг. Шунда асло кам бўлмаймиз. Бўлиб ўтган «гап»ни ҳам унумтаманг, ўша ўриниз «можаро»нгиз сиз учун бир умрлик сабоқ бўлиб қолсин.

МОЛИЯ-ИҚТИСОД САБОҚЛАРИ

Аёлар тадбиркорлик ҳаракатиди тобора фаол иштирок этмоқдалар. Шу боис ишова-нашр саҳифасида сирткни саводхонлик курсини бошлашга қарор қилдик. Ўйлаймили, жаҳон тижорат малақалари турмушимизга шиддат билан келаётган бир пайтда бу молия-иқтиносидан сабоқлари фойдалан ҳоли эмас.

АВАЛЬ (французча-aval) — вексель бўйича қарздор шахсга бериладиган кафолатнома. Б

Давра сұхбати



Лола ТИЛЛАЕВА:
«Аёллар ўртасида жиноятчилик, хукуқбүзарлык, ўз жонига қасд қилиш ҳолатлари ўзбек хонадонларида қаердан пайдо бўлди?»



Файрат НИШОНОВ:
«Назаримда, аёлларимизда муроҳазалик, сабр-қаноат, бардошлилк фазилатлари сусайиб бораётгандек».

аъзоси Лола Тиллаева, Қизғалдоқ қишлоқ хотин-қизлар кўмитасининг раиси Мұҳаббат Соатова иштирок этиши.

Давра сұхбатини Тошкент вилояти ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари бўйича котибиятининг бош мутахассиси Индира Ҳалимова бошқарди.

санг, маҳалла оқсоқоли билмай қолдим, дейди. Билиши шарт. Емонлаш эмас, тўғри муроҳаза, фикри айтиш керак.

М. Соатова: Бир оила ўғлини ўйлантироқчи бўлиб қолди. Йигит на бирор қасбга эга, на аниқ бир ишнинг этагидан тутган. Билгани — бозор. Сўрадик: «Рўзгорни қандай тебратади?» Маслаҳат бердикки, шошилмасин, бола бир ишни кўлга олсин.

Х. Комилхўжаева: Шундай пайтларда қатъий, холис маслаҳат бериш яхши. Кўпинча эса, у ёки бу оиласи суриштириб қолганларга аниқ гап айтишмайди. Юз амири ширин қабилида иш тутиб, мақтаб, алқаб юбораверишиди. Натижада ўрнига тушмаган ниҳол ўсиб-униб кетмайди, охири иш ажралишга бориб тақалади.

F. Нишонов: Бекорга отам —

лар етим бўлиб қолмаслиги учун ҳаракат қилиши керак. Афсуски, кўпинча бўлар-бўлмас сабабларни важ қилиб, бир йўла юк-японини олиб кетиш одат бўлиб қолмоқда. Сабр-бардош бўлмаса, енгил-елли ҳаракат кучяди, оқибатда оила бузилиб кетиши муқаррар тус олади. Шундан сақланиш керак.

Л. Тиллаева: Махаллаларда яраштирув комиссияларининг фаолиятини чукайтириш, унинг таркибида ҳаётнинг паст-баландини яхши тушунган қишилар иш олиб бориши ниҳоятда муҳим. Афсуски, гоҳи комиссиялар таркибига етарлар обўр-этибиори бўлмаган қишилар ҳам кириб қолаяпти. Бу сұхбатлар, яраштирув билан боғлиқ савъ-ҳаракатларга салбий таъсир кўрсатётир.

И. Халимова: Бундай ҳолатлар бабзи оиласардаги келишмовчиликларни бартараф этишга асло кўмаклашмайди. Махалла ва хотин-қизлар кўмиталари яраштирув комиссиялари таркибига алоҳида этиборм билан қарамоқлари керак.

Д. Каримжонова: Назаримда бугун аёлларимиз маънавий дунёсига салбий таъсир кўрсатувчи омиллар кўпайиб бораётганга ўхшайди. Хотин-қизлари

чиқдик. Эрнинг кирдикорларидан аёл уксус ичib ўлган. Ундан иккى гўдак қолган. Эркак ёш бир қизга ўйланган, яна иккى фарзанд кўрган. Шу орада эр ўзидан катта ёшдаги бир аёл билан илакишиб, оиласини ташлаб кетган. Болаларнинг ҳаммаси аёл қўлида, олдинги иккى болани ҳам фарзандликка қабул қилиб олган. Ўн яшар бола аммасидан сут олиб сотади, оила тебратишига кўмаклашади. Судда сўрасак, ийнлаб туриб, «Онам билан қолмаз», — деди.

М. Соатова: Оила — муқаддас бир кўргон. Унинг вайрон бўлиш сабаблари кўп. Лекин, бу кўргонни сақлаш, файзу баракасини ошириб, обод, баҳамжihat қилиш осон эмас.

Л. Тиллаева: Бунинг учун эр ҳам, аёл ҳам ниҳоятда ахил-иноқ бўлишлари керак.

Ф. Нишонов: Эр-хотин — қўш ҳўқиз. Шу нақл англаб етилмаган оиласада гап-сўз кўпайди. Иккисодиёт сабабли оиласининг пароканда бўлиб кетиши бир баҳона. Баоша баҳоналар кўпайиб кетаяпти. Бир-бирини тушуниш кийин бўлиб бораётпти.

Х. Комилхўжаева: Оиласий турмушни ташкил этиш малакаси етишмайди. Ёшларни шунга тайёрлаш керак. Бу турли омавий тадбирлар билан бўладиган иш эмас. Бу иш хонадонларда, кўпни кўрган ота-оналар томонидан сурункали олиб бориши керак.

F. Нишонов: Бунда ота-оналининг шахсий ибрати, турли вазиятларда ўзини тутиши алоҳида ўринга эга.

M. Соатова: Гап айланиб, кўникма, билим, тажрибага тақалапти. Демак, ёшларни оиласий турмушга тайёрлашнинг аҳамияти катта. Бу кўп гапларни ўз ичига олади.

D. Каримжонова: Ўқувчи, ишловчи хотин-қизларимиз билан ишлаш нисбатан енгил. Асосий гап уйда «ўтириб» қолган аёллар билан олиб бориладиган ишларимизда. Уларни жамоат орасига, катта-кичик йиғинларимизга кўпроқ олиб чиқиш керак.

F. Нишонов: Аёл ҳам оиласини сақлаб колиш учун курашсин. Фарзанд бурчни, ота-она масъулияти тушунчаларини одамлар онгига чуқур сингдири-

ХОНАДОН ТИИЧЛИГИ НИМАЛАРГА БОГЛИҚ?

Тошкент туманида оиласада хотин-қизлар ва болаларга нисбатан қўпол муомалаларни бартараф этиш, маънавий-ҳуқуқий тарбия масалаларига бағишинган давра сұхбати бўлиб ўтди. Уни Тошкент вилояти ҳокимлиги ва «Тошкент ҳақиқати» газетаси таҳририяти ташкил этдилар

гадага бошчилик килдим. Аммо, бирор дақиқа оиласада, фарзандларимни хаёлимдан қочирган эмасман. Агар тарбия ўринли, асосли бўлса, сабр-қаноат, чидам билан инсон ўз баҳтига эришиши мумкин. Буни турмуш дейдилар, сабрсизлик билан одам бутун баҳту таҳтини барод қилиб қўйиши ҳеч гап эмас.

И. Халимова: Эркак аёлни фақат кир юувучи, супуриб-сидирувчи бир чўри, деб тушунмаслиги ҳам муҳим. Аёл оиласада шахс сифатида намоён бўлишида, рўзгор тебратиш ва бола тарбиясини тўғри йўлга қўйишида эрнинг муомала-муносабати ҳал қуловчи ўрин тутади. Бу ерда тўғри айтишиди, аёл ҳам болалар, қариндош-уруг, кўни-кўшини олдида эрракнинг номусига тегадиган гап-сўз, хатти-ҳаракатга иштаган.

F. Нишонов: Қарс иккى кўлдан, албатта.

X. Комилхўжаева: Кейинги йилларда оиласада тўзуб кетиши, ажралиш кўпайиши кузатилмоқда. Бунинг асосий сабаби иккита: биринчиси — оила аъзолари бири-бирини тушунмаслиги. Иккичиси — руҳий касалликнинг кўплиги. Бу ўринда руҳий касаллик билан ақлий заифликни фарқлаб олиш керак.

Бу иккى тушунча мутлақо бошқа нарсалар.

Ажралиш ҳақидаги иш кўрилаётган гоҳи суд мажлисларида хотин ёки эрнинг вожларини тинглаб туриб, ўз-ўзимга савол бераман: «Қандай қилиб бу йигит шу қизга ўйланди?», «Қандай қилиб шундай бир қиз бу хонадонга тушиб қолди?» Сўра-



Дилафрўз КАРИМЖОНОВА:
«Раъи-андиша, хурмат-этиром, сабр-бардош — ўзбек оиласини тиклаб турган кўдатли устунларни хисобланади».

маҳалла, онам — маҳалла, деб-йилмайди. Лекин, ҳамиша одил, ростгўй бўлиш керак, бор гапни яшишмаслик керак.

M. Соатова: Махаллаларда куч, имкон кўп. Бирор оиласада нотинчлик сезилдими, беътибор бўлмаслик керак. Оиласага келтириш йўлларини қидириш лозим.

D. Каримжонова: Турмушда ажралишлар бўлади. Бу — ҳаёт. Ҳаммани яраштириб юбора олмаймиз. Лекин, иккى хонадонни муросага келтиришнинг савоби катта. Бунда адолат мезонлари асло бузилмаслиги керак. Кўпинча бор гапни айтиб балога қоламан.

F. Нишонов: Мен — бир дехон аёлман. Ўн саккиз йил бри-



Мұҳаббат СОАТОВА:
«Бирор оиласада нотинчлик сезилдими, беътибор бўлмаслик керак. Оиласага келтириш йўлларини қидириш лозим».

миз кўчага, бозорга чиқиб кетаётганилиги шундан деб ўйлайман.

M. Соатова: Фарзандларни бокиши, тарбиялаш кўпроқ аёл зиммасига тушиб қолаяпти-да. Четдан мол олиб келиш, контрабанда молларини сотишга мажбурлик шундан.

X. Комилхўжаева: Шу сабаб судланувчи аёллар кўпайиб бораётпти. Кийинчилик баҳона енгил-елли йўлларга кириб кетиш ҳоллари юз бермоқда.

F. Нишонов: Лекин, фарзандини бағрига олиб, хонадонни гуллатиб ўтирган бардошли аёлларимиз қанча!

X. Комилхўжаева: Жуда тўғри. Яқинда оиласий ажралиш билан боғлиқ бир ишни кўриб



Холида КОМИЛХЎЖАЕВА:
«Аксарият ҳолларда қиз ҳам, йигит ҳам оила куришга етарли тайёрланмайди».

шишимиз керак.

I. Халимова: Сұхбатимиз очик-ошкора ўтди. Гоҳи-гоҳи андишани йигишишиб қўйиб, мана шундай фикрлашиб олганимиз маъкул. Ҳамиша ҳалол, тўғри сўз бўлсак, мақсадни аниқ олсан, жамиятда, оиласада аёлнинг ўринини, кадр-кимматини чинакам тиклай оламиз. Бутун ишни мана шу мақсадда қартишимиз керак. Шунда оиласада тотувлик қарор топади. Фарзандларимиз тарбияси яхшиланади. Турмушимизда ҳамжиҳатлик кучаяди.

Жўрабек МУРОДОВ ёзib олди.

Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.

Шундай инсонлар бўлади, интилиши шитиёк, сабитлик уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг олдинги сафларига олиб чиқади, бутун мамлакатнинг ифтихорига айлантиради.

Миср Республикасининг Президенти Мухаммад Ҳусни Муборакнинг аёли — Сузан Солих Собит Муборак хоним ана шундай ёрқин йўлдан бориб, Миср ижтимоий-сиёсий ҳаётида салмоқли ўрин эгаллашга мусассар бўлди. У Алменияда таваллуд топиб, 1977 йили сиёсат фанлари бўйича Қохира университетининг дипломини олди. 1982 йили ёш Suzan Америкада университет таҳсилини якунлаб, ижтимоий фанлар бўйича магистрлик унвонига эришиди.

Сузан Миср ижтимоий ҳаётида фаол қатнаша бошлади. Болалар ҳуқуқларини изчил ҳимоя қилиш, аёллар ўртасида олиб борилган кенг кўламли ишлар уни жамоатчиликка таниди. Айни шу йилларда аёлларга муносабатда туб ижобий ўзгаришлар юз берди. Чунончи, шахсий ҳолатлар ҳақидаги қонунга тузатишлар киритилди. Аёлга болалар парваришига тегишли ҳуқуқларни берувчи «Бола ҳақида»ги қонун қабул қилинди. Энг муҳими, жамиятда аёллар ҳаракатини бирлаштириш ижобий якун топиб, Миср аёлларининг миллий кенгаши ташкил топди. Бу сайдар ҳаракатларда шахсий ҳолатлар масалалари тегишли суд ишлари ҳақидаги қонунга оила манфаатини кўзловчи тузатишлар киритилиши муҳим воеа бўлди.

Сузан Муборак хоним аёлнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқлилиги учун курашчиларга бош-қош. Натижада бугун аёл ва эркак ўртасида адолат ва тенглик тобора тўла ижобат бўлиб боряпти. Шуни айтиш керакки, 2002 йили адвокат Тихани ал-Габалий Мисрда биринчи аёл судья сифати-

белгиланган тенглик асослари ва имкониятлари тенглигига оқлаб бўлмайдиган бўшилик эди.

Сузан Муборак хоним турли шаҳар ва вилоятларда мактаблар, кутубхоналар очиш, бошқа ижтимоий масалаларни ҳал этиш билан ҳам узлуксиз шуғулланиб келмоқда. Аёллар муаммолари ва бошқа масалаларга бағишиланган конференциялар қатнашчиси. 1985 йили Найробида ўтказилган Жаҳон аёллари конференциясида Миср делегациясига бошлиқ қилди. 1989 йили ЮНИСЕФнинг «Морис БАТ» мукофотига сазовор бўлди. Бу мукофотнинг қимати 25 минг АҚШ долларига тенг бўлиб, Сузан Муборак хоним уни Хилвондаги кар ва соқвлар мактаби учун замонавий жиҳозлар олиб беришга сарфлади.

Харакатчан бу аёл кенг кўламли давлат ва жамоатчилик ишларида чарчамайди. У Искандария кутубхонасини барпо этиш давлат кўмитаси, Болаларни ҳимоя қилиш бўйича Миср жамияти ва Миср аёллари миллий кенгашига раҳбарлик қилмоқда. Болалар таълими соҳасига эътибори ва самарали фаoliyati учун «Фол брайт» мусассасасининг мукофоти билан тақдирланган.

Бу аёлни катта давлат ишлари ҳақида Фикр юритилаётган анжуманларда, турли жамоаларнинг давраларида, болалар муассасаларида тез-тез учратиш мумкин. Сузан Муборак хоним ҳамиша катта-кичик масалаларга масъулият ва хушёрлик билан ёндошади, ўз ҳалқига садоқат билан хизмат қилмоқда.

ЭХРОМЛАР МАМЛАКАТИ

Миср диёри ҳақида гап очилса, биз инсоният тарихидаги яратилган мӯъжизалардан бири — эхромларни кўз олдомизга келтирамиз. Гизо эхромлари қадими Миср маданиятининг рамзиидир.



Гизо Қохира шахрининг рўпаришида, Нил дарёсининг нариги кирғогида жойлашган. У томонга Эхромлар кўчасидан ўтиб борилади.

Энг катта эхром — Хуфу. Уни подшоҳ Хуфу ўзига мақбара сифатида курдирган. Эхром 13 фаддан ерга тўртбурчак шаклида бунёд этилган. Уни курища 100 минг киши йилда уч ой давомида ишлаган. Ҳар бир томони 266,5 метрдан иборат. Куришида ҳар бирининг вазни 2,5 тоннадан 15 тоннагача бўлган 2.300.000 бўлак оҳакли тош ишлатилган. Унинг баландлиги 137 метр. Девор томонларининг узунлиги 212 метр.

Иккинчи — Ҳафруй эхроми ҳам оҳактошдан курилган. Баландлиги 137 метр. Ичкарига иккита кириш жойи орқали ўтилади. Биринчисининг баландлиги 115 метр. Унинг остида иккичи кириш жойи бор. Унинг баландлиги 12,5 метр атрофида. Учинчи эхром Монкавур ѡам оҳактошдан курилган. Баландлиги 61,5 метрда етиб боради. Томонларининг узунлиги 108 метр.

Бу эхромларни «Сахро эгаси» — сфинкс «қўриклаб» туради. У катта тошнинг бир қисмига ишлов бериш йўли билан ясалган. Танаси — ўтирган шер, калласи — инсон боши шаклида. Қадими мисрликлар ташбехига кўра, шер — куч-куватни, инсон — ҳикматни англатади. Узунлиги 70 метр, эни — 15 метр атрофида. Олдинги оёқлари орасидаги гранит лавҳада подшоҳ Таҳтали IV нинг сфинкс билан боғлиқ қиссаси ўйиб ёэилган.

Шимолда, Абу Сир минтақасидан беш километр узоқроқда бешинчи подшоҳлар оиласига тегишли тўрт эхром ҳам бор. Саққаранинг жанубида, 10 километрча наридаги Даҳшур минтақасидаги эхромлар мажмуи ҳам хайратланлари. Даҳшур эхромининг пойдевори 220 метрни ташкил этади. Баландлиги — 99 метр. Бошқа бир



эхром Хуфунинг отаси подшоҳ Синифруга тегишли. Шу атрофда Синусрят III билан Аманимнат III эхромлари ҳам мавжуд.

Тўрт минг йилдан буён турган тош касрлар — эхромлар ҳамон инсониятни хайратга солмоқда. Замонавий илм-фанинг барча имкониятларидан фойдаланаётган олимлар ҳамон уларнинг тилсизмотини еча олмаётирлар. «Улар инсон кўли билан эмас, ўзга оламлардан келган ўта ақлли жонзорлар томонидан бунёд этилган» — деган мулоҳазалар ҳам йўқ эмас.

МИЛЛАТ



ИФТИХОРИ

да ишга тайинланди. Солиҳа ал-Дисавий билан Алмани Магди Абу Нуаслар эса Олий Конституцион суднинг ваколат ҳайъати аъзолари сифатида иш бошлаши.

Сузан Муборак хоним уларни тақдирлаш маросимида шундай деди:

— Аёлнинг буғунги кунгача суд курсисида бўлмаганлиги конституцияда

Бу аёлни катта давлат ишлари ҳақида Фикр юритилаётган анжуманларда, турли жамоаларнинг давраларида, болалар муассасаларида тез-тез учратиш мумкин. Сузан Муборак хоним ҳамиша катта-кичик масалаларга масъулият ва хушёрлик билан ёндошади, ўз ҳалқига садоқат билан хизмат қилмоқда.

ЛОТОС ШАКЛИДАГИ ТЕЛЕМИНОРА

Қохира телеминораси 1961 йили курилган. 60 қаватли уйдан баланд — 187 метр. Лотос гулига ўхшатиб барпо этилган бу телеминорага кўтарилиб, пойтахтнинг атрофидаги энг гўзл манзараларни томоша қилиш мумкин.

ЭХТИРОМ РАМЗИ

Қохирада бир ҳайкал бор. У Миср ўйғонишнинг тимсоли. Бу — қўлини сфинкс боши устига кўйиб турган дехқон аёлнинг ҳайкални. Мазкур ёдгорлик Миср ҳалқи маблагига курилган. Уни мисрлик ҳайкалтарош Махмуд Мухтор гранитдан ясаган. Ҳайкал мўтабар инсон зоти — аёлга эҳтиром сифатида бунёд этилган.



«Аёлни озод қилиш» асарини чоп эттириди.

1903 йил — Ҳукумат мактабини битирган биринчи қиз бошлангич таълим шаҳодатномасини олди.

1919 йил — Мустамлакага қарши биринчи аёллар намойини бўлиб ўтди.

1921 йил — Қизлар учун ҳукуматнинг биринчи ўрта мактаби очилди.

1922 йил — Ҳам эркак, ҳам аёл учун мажбурий таълим ҳақидаги мoddани ўз ичига олувчи конституция тасдиқланди.

1938 йил — Араб аёлларининг биринчи конференцияси ўтказилди.

1944 йил — Қохирада араб аёллари иттифоқи ташкил қилинди.

1948 йил — Биринчи аёллар партияси ташкил этилди.

1956 йил — Янги конститу-

ЯНГИ ЖУРНАЛ

Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси «Мисрға нигоҳ» маданий-ижтимоий журнали нашрни йўлга кўйди. Унинг биринчи сони ўқувчиларга етиб борди.

Журнал саҳифаларидан Ўзбекистон ва Миср ўртасида иқтисодий алоқалар ҳақидаги мақолалар ўрин олган. Унда маданий муносабатларимиз, адабий ва илмий мавзулар кенг ёритилган. Журналда қадимги Миср тарихи, мамлакатда хотин-қизлар ҳаракати ҳақида ҳикоя килувчи мақолалар катта ўрин эгаллади. У ноёб ранги суратлар билан безатилган.

МИСР БЕКАЛАРИ

Тарих Миср аёли барча даврларда эркаклар билан елкама-елка турганлиги ва энг қадимги мавриғий ривожи асосларини мустаҳкамлашдаги фаол иштирокини қайд этади. Бу мамлакат аёллари минг йиллардан бўён ижтимоий, икти-содий, қонуний ва сиёсий ҳуқуқлардан барча билан тенг фойдаланган. Бунинг ифодасини қадимги миср санъати наму-

налари — турли лавҳалар ва ҳайкалларда кўриш мумкин. Бу ҳолат факат заифлик ва инқироз, чет эл истилочилари ҳуқуқронлиги даврлари-дагина ўзгарди. XIX аср охирларига келиб, Миср аёлининг ҳаётида янги боскич бошланди. Унинг жамиятдаги муносабиб ўрни учун кураши боскичларни қўйида-гича кечди:

1872 йил — Рифаъа Тахтойи аёлнинг таълим олиши зарурлитини талаб қилиб чиқади.

1873 йил — Қизлар учун биринчи бошлангич мактаб ташкил қилинди.

1899 йил — Қосим Амин



СПОРТ *СПОРТ* *СПОРТ* *СПОРТ*

«МЕТАЛЛУРГ» — ВИЛОЯТ ФОЛИБИ



Хозир спорт. хусусан. вилоят футболида ҳам на-
тижалар сарҳисоб килинмоқда. Вилоят биринчи-
лиги тугашига икки тур қолди. Сўнгги учрашув-
лар эса 20 сентябрда ўтказилади.

Футболимиз пешқадамларидан бири бўлган Олмалиқнинг «Металлург» жамоаси мухлислар ишончни оқлаб, вилоят чемпиони деган номга муддатидан аввал сазовор бўлишида ва мамлакат футбол биринчилгининг I лигасига ўтиш турнирида баҳс олиб бориш имконини қўлга киритишиди. Бу, албатта Олмалиқ шаҳрида спортни ривожлантиришига етарли эътибор берилаётганидан далолатдир. Ушбу саъй-харакатлар туфайли «Металлург» ҳам Ўзбекистон футболининг пешқадамларидан бирига айланса, не ажаб!

Улар сўнгги турда «Шоликор» жамоаси майдонида 2:1 хисобида ғалабага эришиб, 54 очко жамғаришиди. Футбол — 2003 вилоят биринчилигида чемпионни «изма-из таъқиб этган» яна бир жамоа — «Кибрай» жамоаси сўнгги турда «Кимёрга» устидан 4:1 хисобида муваффакиятга эришиби ва 48 очко натижага билан фахрий иккичи ўринга сазовор бўлди. Учинчи ўрин учун эса «ТошДАУ» (43 очко) ва «Акмал» (40 очко) жамоалари кураш олиб борди. «ТошДАУ» жамо-

аси футболчилари «Акмал» майдонидаги сўнгги учрашуда дарвозага жавобсиз битта тўп киритишига муваффак бўлди. Колган учрашувларда эса қуйидаги натижалар қайд этилди: «Цементчи» — «Бўстон» — 8:1, «Олмалиқ» — Д» — «Олимпия» — 4:0.



Чемпионатга жўнаб кетиши

Дилшод Мансуров (55 кг.гача), Дамир Захардинов (60 кг), Могамед Гажиев (74 кг), Могамед Ибрагимов (90 кг) ва Артур Таймазов сингари маҳоратли спортчилардан таркиб топган мамлакатимиз терма жамоаси бош мураббий Маммур Рӯзиев раҳбарлигига АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида бўлиб ўтадиган эркин кураш бўйича жаҳон чемпионатига жўнаб кетди.

Шунингдек, шу кунларда дзюдочиларимиз ҳам Япониянинг Осака шаҳрида бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатига йўл олдилар. Уларга иктидорли ёш мураббий Армен Багдасаров раҳбарлик қилмоқда. Биз АҚШ ва Япониядаги нуфузли спорт анжуманларида қатнашадиган ҳамюртларимизга омад тилаймиз.

Воҳид БОЙМУРОДОВ.

Саломат бўлинг

ЧЕКИШГА ТОБЕ БЎЛМАНГ

Кишлоғимизда бир инсон яшар эди. Каерда кўрманг, қўлида сигарета, бирини иккинчисига улаб чекарди. Ҳалиги киши қирқ ёшдан ўтар-ўтмас вафот этди. Кейинчалик маълум бўлишича, ўлимидан уч-тўрт ўзи аввал қаттиқ тоби кочиб, касалхонада ётганда, шифокорлар унга тамаки чекмаслиги лозимлигини айтишган экан. Акс холда бу заҳри котил умрига зомин бўлишини ҳам тайинлашган. У эса, пинагини бузмай, чекиша давом этган.

Дарҳақиқат, чекиш киши саломатлигига жиддий путур етказидиган иллатлардан биридир. Тамакидаги асосий модда — никотин кишига кучли таъсир қиласи. У марказий ва тараflган асаб мажмуда вақтина кўзғатувчи вазифасини ўтайди, холос. Артериал қон босимини оширади. Майдо томирларни торайтиради, нафас тезлашини кузатилади. Шунингдек, овқат ҳазм килиш тизимида ширани кўпайтиради.

Никотин билан бирга тамаки тутунидаги ёниш маҳсулотлари ҳам инсон аъзоларини заҳарлайди. Шунинг учун чекмайдиган кишиларнинг чекилган хонада бўлишилари ҳам зарарлидир.

Тамаки чекиш иллати сурункали бронхит, ўтка энфеземаси, оғиз бўшлиғи, томок, бурун ва ўпкада хавфли ўсмалар пайдо бўлишига олиб келади. Нафас йўллари шилимшиқ пардасидаги ўзғариш товушга таъсир этади. У бўғиқлашади, ҳарорат пасяди, ўтка хириллайдиган бўлиб қиласи.

Никотин, айниқса, ҳомиладор ва эмизикли аёлларга салбий таъсир қиласи. Уларнинг чекишиларидан оила аъзоларининг нафас йўллари, кўкрак, бурун, кулоқ, томок инфекцияларига дучор бўлиши хавфи бор. Ҳомиладор аёллардан нософлом болалар туғилади. Бундай болалар



чекмайдиган ота-оналарнинг фарзандларига нисбатан кўпроқ кўкрак, бурун ва томок инфекцияларига чалинадилар. Қоловерса, улар жуда эрта чекиша ўтранадилар.

Бу заҳри котил атеросклероз, гипертония, гастрит, гастроэнтэролит, миокардиострофия ва байзи бир эндокрин касалликларнинг кечишини оғирлаштиради. Чекишдан воз кечмай туриб, инсон тромбофлебит, облетерацияловчи эндоартирит, рейно, стенокардия, миокард инфарктини касалликлардан соғайиб кетиши мумкин эмас.

Никотин — ўзига ўргатиб қўювчи гиёхванд моддаларнинг бир тури. Чекишининг оқибати нафақат бевақт ўлимга, балки, узоқ йиллик ногиронликка ҳам олиб келади. Доимий чекишининг 50 фойси узоқ яшамайди. Улардан ярми ўрта ёшда, иккичи ярми кекса ёшга етар-етмас нобуд бўлади. Агар сиз ўрта ёшгача чекишини ташласангиз, соғлиғингизга етказилажак хавф-хатарнинг олдини бирмунча олган бўласиз. Ҳатто, ўрта ёшда ҳам чекишини ташлаш кеч эмас.

**Мавжуда ЭРГАШОВА,
республика «Саломатлик»
институти Тошкент
вилояти филиали
директори.**

СЕЙСМОЛОГЛАР ҲАМКОРЛИГИ

Ўзбекистон республикаси Фанлар академияси Фани Мавлонов номидаги Сейсмология институтига хитойлик сейсмологлар томонидан киймати 300 минг АҚШ долларида тенг бешта замонавий сейсмик станция топширилди.

2001 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси ва Хитой сейсмология бюроси ўртасида ўзаро ҳамкорлик битими имзоланганди. Мазкур битимга кўра хитойлик мутахассислар кадрлар тайёрлаш ва тизими янги асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш борасида мамлакатимиз сейсмологлари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Ҳар қандай табиий оғатлар айниқса, зилзила инсоният бошига қандай ташвишлар келтириши ҳамда унинг оқибатлари қанчалик аянчли эканлиги бар-

чага маълум. Ер қаърида бўлаётган турли жараёнлар ва ўзгаришлар айнан сейсмолог мутахассислар дикқат-эътиборида бўлади. Зоро, уларнинг хабари негизида миллионлаб инсонларнинг тақдирни ётади. Тошкент марказий сейсмик станцияси минтақамиздаги тўннич илмий тадқиқот муассасаларидан бири ҳисобланади. Ҳозирги кунда мазкур тармоқда бир юз олтишдан ортиқ илмий ва техник ходим меҳнат қилмоқда.

«Туркестон-пресс».

МАТБАА КЎРГАЗМАСИ

Ўзэкспомарказнинг 1-павильонида “O’zbek in print” ва “O’zirack - 2003” халкаро кўргазмаси очилди. Унда матбаа, нашр, реклама ҳамда қадоклаш ва ёрлиқларнинг намуналари ўрин олди.

Республикамизда бешинчи маротаба ўтказилётган кўргазмада 30 та ўзбекистонлик ва 20 та хорижий компания матбаа ва нашр соҳасидаги энг илғор технология ва маҳсулотларини назомийшилди.

— Корхонамиз 1982 йили ишга туширилган, — деди Тошкент китоб-журнал фабрикаси бош мухандиси Қамариждин Одилов.

— Фабрикада 100 га яқин турдаги матбаа маҳсулотлари ишлаб

чиқарилади. Маҳсулот ишлаб чиқаришда буортмачининг талаби инобатга олиниб, сифатли ҳамда ўз вактида етказиб берилади. Маҳсулотларнинг нарх-наволари давлат томонидан назоратга олинган. Ҳусусий корхоналарда эркин ва келишилган нархлар кўйилади. Кўргазмада мактаб, лицей ва коллежлар учун дарслклар кўйилган.

«Туркестон-пресс».

«ТОШВИЛОЯТТЕХГАЗ» ШУЪБА КОРХОНАСИ ОГОХЛАНТИРАДИ

Рўзгор газ асбобларидан фойдаланувчи уй эгалари, корхоналар, ташкилотлар дикқатига!

Иситиш мавсуми бошланишигача иситиш ва сув қайнатиш печлари, ҳажмли сувиситгичлар, иситиш қозонлари мўрилари ва ҳаво тортиш каналларининг техник ҳолатини текширувдан ўтказиш лозим. Бу масалалар юзасидан шаҳрингиз (туманингиз) ёнғинга қарши жамиятига мурожаат қилиш зарур. Мўрилар ва ҳаво тортиш йўлларининг техник ҳолати ҳақидаги ҳужжатни яшаш жойи бўйича шаҳар (туман) газ идораларига тақдим этишингиз керак.

Шуни эсдан чиқарман!

Печ ғишини теришда қолдирилган ёриклар, иситиш асбоби ёки сувиситиш мўриларининг ифлослиги оқибатида газ ёнғонида хосил бўлган маҳсулотлар (карбонат ангидрид) хонага киради. Бу эса заҳарланишга олиб келади.

Газ асбобларидан газ мўриларининг созлиги ҳақидаги ҳужжат бўлмаса, фойдаланиш ман этилади.

ГАЗГА ЭҲТИЙОРЛИ ВА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ! Портлаш, ёнғин, заҳарланиш содир бўлмаслиги учун қўйидагилар қатъян тақиқланади:

- газ қурилмаларини ўзбошимчалик билан ўрнатиш ва қайта ўрнатиш;
- ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдириш;
- кўнижмаси йўқ шахсларни ва ёш болаларни газ асбобларидан фойдаланишга жалб этиш;
- газ плиталаридан хоналарни иситиш учун фойдаланиш.

Газ асбоблари ишида бузилишлар ва газ хиди пайдо бўлса, дарҳол асбобни тұхтатиши, олов ёқмаслик, электрёндиргичдан фойдаланмаслик, хонани шамоллатиши, газ ҳўжалигининг авария бригадасини чақириш лозим.

Газ асбобларидан фойдаланиш қондадарига қатъий амал килиш — хавфсизлигиниз гаровидир.

«Тошвилояттехгаз» шуъба корхонаси.

АСҚАД МУХТОР ЗАМОНДОШЛАРИ ХОТИРАСИДА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида "Асқад Мухтор замондошлари хотирасида" китобининг тақдимоти бўлиб ўтди.

Тадбирни Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон Каҳрамони А. Орипов бошкарди.

Истиклол байрами арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каҳрамонов Фармони билан эл-юрт истиқболи, миллат равнави, Ватан истиқоли учун хизмати сингган мархум ўртдошларимиздан бир гурӯҳи "Буюк хизматлари учун" ордени билан тақдирланган эди. Улар орасида Ўзбекистон ҳалқ ёзувчisi Асқад Мухтор ҳам бор.

Тақдимотда иштирок этган ёзувчи ва шоирилар, адабиётшunoslar мамлакатимизда миллий адабиётимиз, маданиятимиз ривожига улкан хисса кўшган ижодкорларнинг меросига чукур ёндошиш ва мукаммал ўрганишга, асарларининг маънавий ҳётилиздаги, ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамиятига алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлайди.

Асқад Мухтор "Опа-сингил-

КУТУБХОНАЧИЛАР КЕНГАШИ

Мамлакатимизда кутубхоналар фаолиятини янада тақомиллаштириш, уларни янги нашрлар ва замонавий воситалар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни пайтда кутубхоначилар малака ва маҳоратини ошириш ҳам доимий эътиборда.

Пойтахтимиздаги умумтаълим муассасаларида меҳнат қилаётган уч юздан зиёд кутубхоначи иштирокида ўтган йилинида шулар ҳақида фикр юритилди. Ўкувчидаги китобга меҳр уйғотиш, китобхонларни жалб этишининг самарали усуллари ва воситаларидан кенг фойдаланиш, шунингдек, ўқитувчиларга услубий ёрдам кўрсатишни тақомиллаштириш зарурлиги таъкидланди.

Кутубхоналар фаолиятини янада ривожлантириш мақсадида "Йилнинг энг яхши кутубхонаси", "Энг яхши китобхони" каби танловлар эълон қилишга келишиб олинди.

ЎзА.

Ривоятлар

ОЛТИН ГИШТ ҲИКОЯСИ

Шайх Саъдий шундай ривоят қиласидарки, бир одам олтин гишт топиб олибди. Бундан хурсанд бўлган ҳолда бу гишти нимага сарф қилишини ўйлай бошлабди. «Бу бойлик менинг барча ҳавасларимни амалга ошириш учун етарли, кел, уни сарфлаб бир сарой қурдирай!», — депти у варойи куриш тадоригини кўриш учун жой танлаш мақсадида бир сайхонликка чиқиби. Бу жой олдин қабристон бўлган экан. Караса, бир мардикор қабристон тупроғидан лойқориб, гишт қуяётган экан. Буни кўрган ҳалиги одам:

«Бир олтин гишт дилинг нечук банд этмиш,

Эрта тупроғингдан куйиларку гишт»,
деб бойлика беҳуда мағурланганлигидан пушаймон бўлибди.

БЕЗОРИЖОНДАН ҚУТИЛИШ ЙЎЛИ

Бир кишининг ошинаси уникуга ҳадеб келавериб, безорижон қиласидан ўзган эди. У киши бир дарвешга бу ҳолдан шикоят қилиб, ундан маслаҳат сўради. «Сен ўша ошнангга қарз бер, шу кундан бошлаб уйингдан оёғи тийлади», — деб маслаҳат берди дарвеш. Ўша одам шундай қиласидан ўзини кечибди.

Мухтор ХУДОЙКУЛОВ.

Суд залидан

Шу йил август ойининг бешинчи кунидаги жиноий ишлар бўйича Тошкент вилоят судининг очик мажлисида 1966 йили Янгийўл шахрида тутгилган Аҳмедова Ҳамида Умурзоковна ва 1981 йилда Сурхондарё вилоятида тутгилган Менгобилов Умиджон Умарович содир этган жиноий иш кўрилиб, айборларнинг биринчиси — 7 йилга, иккинчиси — 10 йил муддатга озодликдан маҳрум килинди. Улар жазони каттиқ тартибли хибсоналарда ўташлари белгиланди.

Хўш, уларга бундай қаттиқ жазо чораси кўлланилишининг сабаби нима?

Аввало, дунёда шундай огулар борки, унинг касофати инсонни тубанлаштириб, келажагидан маҳрум этади, яъни тирик мурдага айлантиради. Энди ўзингиз мuloҳаза қилиб кўринг, гиёҳвандликка ружу кўйган кимсадан чинаки одам чиқармиди? Албатта, йўқ. Гиёҳвандлар дунёга келтирувчи майб-маҳрум болалар-чи? Улар жамиятимизга оғир юқ бўлиб қолмайдими?


Вилоят суди очик мажлисида кўрилаётган жиноий ишларнинг аксариятини содир этганлар корадори, наша, кўкнори, мари-

лар", "Туғилиш", "Давр менинг тақдиримда", "Чинор" каби романлари, талай қисса, ҳикоя ва драмалари, фалсафий шеърлари ҳамда жаҳон адабиётидан бадиий юксак таржималари билан XX аср ўзбек адабиёти ривожига катта хисса кўшган атокли сўз санъаткоридир. Талабчан мураббий узоқ иллар "Шарқ юлдузи", "Гулистан" журналлари, "Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетасида фаолият кўрсатиб, қўплаб ёш шоир ва ёзувчиларга устозлик килган, ўзининг олижаноб табиати билан замондошлари қалбидан ўймас из қолдирган ажойиб инсон эди.

Тақдимотда Ўзбекистон Республика Президентининг Давлат маслаҳатчisi X. Султонов сўзга чиқди.

ЎзА.

Сканворд



Тузучи: Акромжон ҲУЖАМОВ.

ОҒУФУРУШЛАР

хуана каби огуларни етиштириш, сақлаш, сотиш эвазига текин бойлик ортириш мақсадида харидор ахтариб, кўлга тушган кимсалардир.

Албатта, судланувчилар X. Аҳмедова ва У. Менгобиловни бирлаштирган омиллар кўп. Бу «шерик»-ларни хукуқ ва тартибот идоралари ходимлари 280 грамм оғуни 3780 АҚШ долларига сотмоқчи бўлиб туришганида қўлга олиши.

Уч фарзанднинг онаси бўлмиш, эсли-хуши аёл нима учун ўғли, ёхуд укаси тенги йигитчани жиноят қилишга ундали, ўз фарзандларини эса, етимлик чоҳига улоқтириди? Ёки юридиқ коллежи тутгатган У. Менгобиловни олайлик. Бўлгуси хукуқ посбони наҳотки, гиёҳванд моддаларни пуллаб, тирикчилик килиш мумкин, деб ўйлаган бўлса... Минг марта савол бе-



риб, минг бир жавобни олсанг ҳам бу муаммонинг тагига етолмайсан, киши. Ачинарли томони шундаки, оғуфурушлик билан боғлик жиноятни ишларнинг барча иштирокчилари муким касбу корга эга бўлмаган, шунингдек, ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар бўлиб чиқади.

Ҳукм ўқилди, судланувчиларнинг жиноятларига яраша жазо белгиланди.

Бу гиёҳвандлик моддаларини сақлаш, сотиш каби хатарли йўлни мўлжаллаган бошқа таваккалчиларга ҳам сабоқ бўлиши керак.

Шавкат ҚУЛИБОЕВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
маҳсус мухбери.

Бу қизиқ ШОКОЛАДХҮР БЎЛИШ ЯХШИМИ?

Шоколадни кўпчилигимиз севиб истеъмол қиласиди. Айримларимизни эса ширинхўрлар деб атаса ҳам бўлади. Орамизда ана шу ширинлик сиз яшай олмайдиганлар ҳам топилади. Ушбу маълумотни ўқиган шоколадхўрлар ранжиши мумкин.



Гап шундаки, мева-ларидан шоколад тайёрланадиган ка-ко даражати турли касалликларга ча-линмокда. Фарбий Европа ва Марказий Осиё давлатларида етиштириладиган какаонинг ҳар йилги ҳосилининг 30-90 фоизини касаллик нобуд қиляпти. Натижада, шоколад танқислиги пайдо бўлиши хавфи сезилмоқда. Мутахассислар ушбу салбий ҳолатнинг олдини олиш учун бошқа ўлкаларда какао даражатини етиштириш йўлини тақлиф қилдилар. Энди ёввойи ҳолда ўсган какаолар муҳитини яратиш керак, шекилли. Балки, иссиқхоналардан фойдаланиш лозимдир. Аммо, унинг маҳсулоти ҳақиқий какаога ўхшармизкан, деган савол соҳа мутахассисларини ўйлантириб кўйди.

Гузал ИСМАТУЛЛАЕВА
тайёрлади.

Тошкент вилоят адлия башқармаси томонидан Маријон Марҳаматович Далматовга нотариал фолият билан шуғулланиш учун 1998 йил 19 октябрь куни берилган TS 000067 сонли лицензия
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



Муассис
ТОШКЕНТ
ВИЛОЯТИ
ҲОЗИРЧИСИ

Бош мұхаррір
Фатхиддин
МУХИДДИНОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммазий
ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар:
133-70-10, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент
шахри, Матбуотчилар
кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси давлат
матбуот кўмитасида 8 раками
билинг рўйхатта олинган.
Газето «Тошкент ҳақиқати»
тахририятини компютер
марказида төрилди ва
саҳифаланди.

• Эълон ва билдирув-
лардаги факт ҳамда далил-
ларнинг тўғрилиги учун
реклама ва эълон берув-
чилар масъулдир.